Ушбу сонда:
2 БИР ФАРМОН ШАРОФАТИ
3 2004 ЙИЛ – МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 10 январ, шанба № 4 (1637)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## «ЗАНГОРИ ОЛОВ» ТАФТИ

Нурота туманидаги Саид Эшон қишлоғига табиий газ келтирилди. Уч километрли масофага қувур тортилиб, юзга яқин хонадон газлаштирилди. Бу хайрли ишни «Навоийгазсувқурилиш» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари амалга оширди.

Вилоят газлаштириш идораси томонидан ўтган йили қарийб 114 километрлик газ қувури тортилиб, икки ярим мингдан зиёд хонадонда зангори олов ёқилди. Жорий йилда эса 200 километрга газ қувури тортилиб, уч минг хонадонни газлаштириш мўлжалланган.

(ЎзА)

## БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА





### 9 январ куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди

***Унда ушбу кенгаш аъзолари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

Мамлакатимиз раҳбари йиғилишдан кўзланган мақсад 2003 йил 4 июн куни ўтказилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг йиғилишида қўйилган вазифаларнинг бажарилишига оид масалаларни муҳокама қилиш, 2004 йилга мўлжалланган режаларни кўриб чиқиш, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида болалар спортини ривожлантириш, спорт иншоотлари барпо этиш дастурининг бажарилишини таҳлил этишдан иборат эканини таъкидлади.

Ҳомийлик кенгашининг 2003 йил 4 июнда бўлиб ўтган йиғилишида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан жамғарма раиси А.Мирқосимовнинг ахбороти тингланди.

Жамғарма Ҳомийлик кенгашининг ўтган галги мажлисида янги болалар спорт иншоотларини барпо этиш дастури, спорт анжомлари, кийим-кечаклар ва чармпойабзал маҳсулотларини ўзимизда ишлаб чиқариш, болалар спорт иншоотларининг намунавий лойиҳаларини тайёрлаш, мактабларда жисмоний тарбия дарсларининг самарадорлигини ошириш, аҳоли орасида спорт маданиятини юксалтириш, оммавий спорт тарғиботини ривожлантириш, Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг 4-телеканалини спорт каналига айлантириш борасида атрофлича фикрлашиб олинган, ҳокимликлар, тегишли вазирлик, ташкилот ва идоралар раҳбарлари зиммасига аниқ вазифалар юкланган эди.

Ўтган давр мобайнида соҳада анчагина ишлар амалга оширилди. Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида спортнинг асосий йўналиш ва турларини ривожлантиришнинг тиббий ҳамда илмий асослари яратилди. «Жисмоний тарбиянинг тиббий асослари» қўлланмаси тайёрланди.

Умумий таълим мактаблари учун 2003-2004 ўқув йилига мўлжаллаб жисмоний тарбия ва болалар спортига оид ўқув дастурлари, дарсликлар, услубий қўлланмалар ҳамда плакатлар тайёрлаш дастури тузилди. Шу асосда таълим-тарбия ишлари олиб борилмоқда.

Мактаб, лицей, коллеж ва маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш учун зарур спорт анжомлари ва кийимларига бўлган эҳтиёжни ўрганиб чиққан «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси асосий эътиборни ана шу талабни қондиришга қаратмоқда.

Соҳани кадрлар билан таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Олий таълим муассасаларида болалар спорти учун педагог-мураббийлар тайёрлаш, спорт журналистикаси ва психологияси мутахассисликлари бўйича таълим бериш тизимини такомиллаштириш юзасидан бир мунча ишлар қилинди. Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг 4-телеканали спорт каналига айлантирилди ва олти соатлик кўрсатувлар эфирга узатилмоқда.

Янги спорт иншоотларини барпо этиш дастурига мувофиқ тайёрланган намунавий лойиҳалар асосида кўплаб спорт иншоотлари бунёд этилди. Жамғарма ҳисоб рақамига 12,2 миллиард сўм ва 2,6 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ тушди. Жойларда тадбиркорлар томонидан, ҳомийлик асосида, спорт иншоотлари, стадионлар, спорт майдончалари бунёд этилди. Бу борада, айниқса, Қўқон шаҳри, Сариосиё, Қарши, Избоскан тумани тадбиркорлари амалга оширган ишлар таҳсинга лойиқ.

- Ўтган вақт мобайнида жойларда бу йўналишда бир мунча ишлар қилинганини айтиб ўтиш лозим. Лекин биз ўз олдимизга қўйган талаблар нуқтаи назаридан мавжуд вазиятга баҳо берадиган бўлсак, афсуски, бажарилган ишларни қониқарли дея олмаймиз, - деди Президентимиз. - Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси нима учун тузилди ва унинг асосий мақсади нимадан иборат? Бу саволга жавоб топиш учун мутасадди раҳбарлар, аввало, қандай жамият, қандай давлат қураётганимиз, унинг асосий хусусиятлари, мақсади нималардан иборат эканлигини тўла англаб етмоғи лозим. Қураётган жамиятимизга муносиб, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни тарбиялашимиз керак. Ҳар томонлама ҳавасга лойиқ комил авлодни тарбияламай туриб, эзгу ниятларимизни амалга оширишимиз қийин. Мазкур жамғарма орқали, аввало, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, спортни оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантириш, айниқса, қишлоқда спортни ривожлантиришни кўзлаганмиз. Бунга қандай эришиш мумкин? Масаланинг моҳиятини чуқур англаш учун, даставвал, бугунги вазиятга, бугунги аҳволга тўғри, холис, танқидий баҳо бериш лозим.

Давлатимиз раҳбари болаларнинг спорт билан шуғулланиш даражасига эътибор қаратди. Мамлакатимизда 6 миллион 720 минг нафар 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган бола бор. Йиғилишда таъкидланганидек, уларнинг 1 миллион 830 минг нафари спорт билан мунтазам шуғулланади.

- Бу кўрсаткич эртага ўсиши, ўзгариши мумкин. Энг асосийси - соғлом авлод тарбияси муҳим эканини унутмайлик. Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпроғини болалар, ёшлар ташкил этади. Уларнинг асосий қисми эса қишлоқларда яшайди. Биз бугун кўпроқ ўшалар ҳақида қайғуришимиз лозим, - деди Юртбошимиз.

Мамлакатимиздаги 9 минг мактабнинг 7 мингдан зиёдроғи қишлоқларда жойлашган. Уларнинг уч мингтасида спорт иншоотлари йўқ. Халқ таълими вазири Р.Жўраевнинг сўзларига қараганда, 7 минг 694 қишлоқ мактабининг 70 фоизи ўз спорт залига эга эмас.

- Бу рақамлар ортида болаларимиз тақдири ётибди, - деди давлатимиз раҳбари. - Жойлардаги мутасадди раҳбарлар, ҳокимлар, нимагадир ҳақиқий аҳволни яширишга уринади. Ўз ҳудудидаги мактабларни лоақал бирор марта бориб кўрмаган раҳбарлар қанча. Қишлоқ мактабларидаги асл ҳолатни ойдинлаштириш лозим. Жамғарма асосий эътиборни умуман спорт майдонларига эга бўлмаган мактабларга қаратиши керак. Тоғли қишлоқларда жойлашган мактабларнинг аҳволидан хабар олиш керак.

Ҳокимнинг, раҳбарнинг энг асосий вазифаси - аввало, мамлакатимизда олиб борилаётган давлат сиёсатини, унинг устувор йўналишларини, стратегик мақсадларимизни тўғри тушуниш, одамларимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг эртанги кунини ўйлаш, бунинг учун муносиб шарт-шароит яратиб беришдан иборат. Мустабид тузум даврида кўпчиликнинг онгига сингиб қолган нохуш бир одат, афсуски, бизнинг ҳаётимиздан ҳамон чиқиб кетгани йўқ. Бу одат, лўнда қилиб айтганда, лоқайдлик, беғамлик, масъулиятсизликдир.

Юртбошимиз қишлоқ мактаблари ва уларда спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Барча шароитга эга шаҳар мактабларида билим олаётган ўқувчилардан қишлоқ ёшларининг қаери кам?! Нега қишлоқда яшайдиган болалар бундай эътибордан четда қолиб кетавериши керак?! Дам оладиган жой бўлмаса, спорт майдони бўлмаса, қишлоқ боласи нима билан машғул бўлсин?

- Биз 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили деб атадик. Спортга ошно бўлган бола ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам ҳурмат қилади. Ҳақиқий спортчи ўзгалар кўнглини оғритмайди, - деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз Тошкент шаҳридаги маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар, болалар спортини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларга юқори баҳо берди. Болалар спортини ривожлантиришдан, аввало, ким манфаатдор эканини, унинг мазмун-моҳиятини маҳалла фаоллари тушуниб етганини таъкидлади.

Йиғилишда Андижон, Хоразм, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё ва Жиззах вилояти ҳокимларининг болалар спортини ривожлантириш борасида амалга ошираётган ишлар хусусидаги ахбороти тингланди. Давлатимиз раҳбари бу соҳада Андижон ва Хоразм вилоятидаги бунёдкорлик ишларига юқори баҳо берди.

- Спорт - миллатнинг, бутун халқнинг сиёсати, - деди Юртбошимиз. - Барча соҳаларда бўлгани каби спортни ривожлантиришда ҳам муайян қийинчиликлар мавжуд эди. Болалар спортини ривожлантиришга эътибор қаратиш билан соҳадаги кўплаб муаммоларга ечим топдик, деб ўйлайман. Бу борада бошлаган ишларимиз ўзини оқлади. Биз ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказиш мақсадида бу ишга қўл урганмиз. Ўтган қисқа даврда олдинда турган вазифалар ва уларни амалга ошириш йўлларини аниқлаб олдик. Бу ташаббусимиз, хайрли ишимиз ўз мевасини беради.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Воҳид ЛУҚМОН,**
**ЎзА шарҳловчиси**

*Ватан посбонлари*

## УНУТИЛМАС КУН

***Ихчам, тезкор, замонавий қурол ва техника билан жиҳозланган юксак малакали, мамлакатимиз чегаралари ва ҳудудий яхлитлиги, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларимиз сафларида жасоратли Ватан ўғлонлари муваффақиятли хизмат қилмоқдалар.***

Ҳарбий кийим ўзига ярашиб турган, ўткир зеҳнли, нигоҳлари тийрак бу йигитга қисмдагилар ҳавас билан боқишади. Сўлим Яккабоғнинг Маданият қишлоғи кенгликларида камол топган Баҳодиржон учун армия ҳаётига кўникиш анчайин қийин кечди.

Жамоадаги соғлом муҳит, тартиб-интизом, ўзаро ҳурмат ва уюшқоқликни кўрган оддий деҳқон фарзанди аста-секин ҳарбийлар ҳаётига кўникди. Машаққатли синовлар ва инсон иродасини метиндек тоблайдиган тезкор машғулотлар ортда қолди.

У мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ Ватан посбонлари фаолиятига оид китобларни қизиқиб ўқиб борар эди. Касб-ҳунар коллежида таълим олган даврида ҳарбий билимларга интилиш янада кучайди. Тасодифни қарангки, аскарликка жўнатилганида ҳаво ҳимоячилари сафига қўшилди. Радиолакацион алоқа сирларини пухта ўрганиб, зукко оператор бўлиб етишди. Эндиликда у ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинлари сафида ўзининг она юрт олдидаги муқаддас бурчини шараф билан адо этяпти. Оддий аскар, оператор Баҳодир Ҳусанов жанговар топшириқни бекаму кўст бажаришга одатланган.

Тун. Бепоён осмон. Юлдузлар порлайди. Кучли шамолдан сўнг самони қора булут қоплади, ногаҳон кўкда ҳаракатланаётган номаълум нуқталар посбоннинг ўткир нигоҳини жалб этди. Тезлик билан навбатчи қисмга хабар берилди. Гуруҳ сардори А.Норқўзиев ва Б.Ҳусанов каби аскарларнинг ҳушёрлиги билан сарҳадларимиз сари учиб келаётган номаълум самолёт аниқланди.

Ватанимиз ҳудудларини муҳофазалаш соҳасидаги самарали хизматлари учун оддий аскар Баҳодир Ҳусанов Президентимиз Фармонига асосан «Жасорат медали» билан мукофотланди.

Хушхабарнинг қаноти бор, дейдилар. Қашқадарёнинг баҳаво масканида жойлашган қишлоқ хонадонига эзгу хабар яшин тезлигида етиб келди. Бундан Баҳодирнинг отаси Ғани ака Ҳусанов, онаси Ҳалима опа, бобоси Нормурод ота ва бутун қишлоқдошлари қувончининг чеки йўқ.

– Ватан ҳимояси – муқаддас бурч, – дейди биз билан суҳбатда Баҳодирнинг отаси Ғани ака. – Ўғлим тенгсиз олий неъмат бўлган мустақилликни асраб-авайлаш, фуқароларимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаётган Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётганлигидан фахрланаман.

Айни дамда Баҳодир Ҳусанов жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан пухта тайёргарлик мактабини ўтаб, куч-қувватга тўлган, иродаси мустаҳкам йигит. Ҳарбий техникани ўрганишга қизиқиши каттта. Ҳар доим ўз бурчини аъло даражада адо этишга ҳаракат қилади.

**ЁЛҚИН**

## ҲАМШИРАЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Мамлакатимизга Ҳамширалик иши ва тиббиёт фани бўйича Оито университети ректори Томоко Кусама бошчилигидаги Япония делегацияси ташриф буюрди. Икки ҳафта давомида меҳмонлар тиббиёт коллежларининг клиник базалари, биринчи ва иккинчи ТошТИ клиникалари, Шошилинч тиббий ёрдам маркази, Бухоро ва Урганч тиббиёт институтлари билан танишади, «Ўзбекистонда ҳамширалик ишини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида семинарлар ўтказади.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида бўлиб ўтган семинарда соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳамширалик муаммолари муҳокама этилди. Унда мамлакатнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган ҳамширалар, тиббиёт институтлари ва коллежлари ўқитувчилари иштирок этди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда ўрта тиббиёт ходимлари хизматини янада ривожлантириш, беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, етук кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

Семинарда сўзга чиққан япониялик мутахассислар йиғилганларни соғлиқни сақлаш ва касалликларни олдини олиш соҳасидаги ҳамширалик таълими бўйича ўқув режаси билан таништирди.

(ЎзА)

## ЧАВАНДОЗЛАР БАҲСИ

Шу кунлари Жиззах отчопари кўпкари ишқибозлари билан гавжум. Бу ерда Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятидан келган чавандозлар от сурмоқда.

Ўтган йили кўпкари бўйича биринчи республика чемпионати ҳам шу ерда ўтган эди. Шундан сўнг декабр, январ, феврал ойларининг ҳар якшанбасида мунтазам равишда улоқ мусобақалари ўтказиш анъана тусини олди. Айни пайтда отчопарда ташкил қилинган болалар ва ўсмирлар от спорти мактабида ўттиздан зиёд ёш чавандозлик сирларини ўрганяпти. Вилоят ҳокимлигининг болалар спортини ривожлантириш дастурида ҳам жойларда спортнинг бу тури бўйича секциялар, от спорти мактаблари очиш кўзда тутилган.

Бу йилги мусобақалар янада кўтаринкилик ва фаоллик билан бошланди. Беллашувда саккизта жамоа иштирок этаётир. Биринчи учрашувда Ғаллаорол тумани ва «Жиззах отчопари» жамоалари куч синашди. Беллашувда улоқ ғаллаороллик чавандозларда кетди.

Жамоа мусобақаларидан сўнг оммавий кўпкарида полвонлар ўз маҳоратини намойиш этди. Энг катта совринларни ғаллаороллик Шертой Сувонов ва зарбдорлик Фарҳод Тоғаев олди.

(ЎзА)

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

## МАШАРИФ ФЕРМЕР

Машариф Қаландаровнинг асли касби иқтисодчи. Лекин у ёшлигидан деҳқончиликка кўнгил қўйди. Шу боисдан бўлса керак, Машариф истиқлолнинг дастлабки йилларидан фермерлик ҳаракатини бошлади.

– Аввалига бироз чўчигандим, – дея ҳикоя қилади тадбиркор. – Лекин далама-дала юриб, отам ва дўстларимнинг маслаҳатларига амал қилганлигим туфайли ишларим юришиб кетди. Қолаверса, туман ва вилоят ҳокимиятидагиларнинг қўллаб-қувватлашлари иқтисодий жиҳатдан қад ростлашимга мадад бўлди.

Дарҳақиқат, илк фаолиятини 10 гектарлик майдонда бошлаган «Наврўз» фермер хўжалиги бугунги кунда нафақат Ҳонқа туманида, балки Хоразм вилоятида ҳам илғор хўжалик сифатида тан олинмоқда. Машариф Қаландаровнинг «Мустақилликнинг 10 йиллиги» кўкрак нишони, Истиқлолимизнинг 12 йиллиги муносабати ила «Шуҳрат» медали билан тақдирлангани фикримизни исботлаб турибди.

Айни кунларда фермер 55 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, 62 бош йирик шохли қорамолни парваришламоқда. Ўтган йили 12 гектар майдонда пахта, 35 гектарда ғалла етиштирди. Қолган майдонга озуқабоп экинлар ҳамда хўжаликнинг ички эҳтиёжлари учун сабзавот ва полиз экинлари экилди. 2 гектарлик янги боғ ҳам барпо этилди. Ўтган йили ҳар гектар майдондан 55 центнердан ғалла етиштирилди. Даромад 14 миллион сўмдан ошди. Янги боғ эндигина биринчи ҳосилни берди. 6 тонна уруғлик, жами 30 тонна картошка етиштирилди. Пахтадан ўртача 42 центнердан ошириб ҳосил олинди.

Фермер ушбу муваффақиятларга ердан унумли фойдаланаётганлиги туфайли эришяпти. Далаларга 20 тоннадан маҳаллий, 1,2 тоннадан минерал ўғит берилди.

«Даромадга қараб, буромад» деганларидек, фермер ижтимоий ҳимояни кучайтирди. Биргина шу йилнинг ўзида беш ярим миллион сўм маблағни хайр-саховатга сарфлади. Бу маблағни тумандаги Ҳожихон Болтаев номли ёшлар хиёбонини бунёд этиш, туман ва вилоят миқёсидаги тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, болалар спортини ривожлантириш учун очилган махсус ҳисоб рақамларга ўтказиб берди. Бундан ташқари, маҳалладаги кам даромадли оилаларга 10 тонна буғдой моддий ёрдам сифатида тарқатилди. 4 та кам даромадли оилани доимий оталиққа олди. 2003-2004 ўқув йилидан бошлаб маҳалладаги мактабнинг 10 нафар иқтидорли ўқувчисига стипендия таъсис этди.

Машариф аканинг бундан буёнги режалари янада улкан. Жорий йилдан бошлаб экин майдонини 170 гектарга, чорва моллари бошини 120 тага етказишни мўлжаллаган. Даромад ва фойданинг кўпайиши эвазига ижтимоий ҳимоя ҳамда меҳр-мурувват тадбирлари янада ошади. Туман ва вилоят марказида фирма дўконлари, қишлоқда эса кичик новвойхона қуриб ишга тушириш ҳам унинг иш режасида бор.

**Султон АВАЗОВ**

*Истиқлол берган имкон*

## «БУХОРОТЕКС»ГА ИСПАНИЯДАН ХАТ

***«Бухоротекс»да қарийб 11,5 минг нафар киши ишлайди. Ишлаб чиқариш қувватларидан омилкорлик билан фойдаланиш эвазига корхона ўтган йил режаларини ошиғи билан уддалади.***

Янги йил арафасида Испания етакчи фирмаларининг биридан корхона маъмурияти номига хат келди.

- Хориждан келтирилган энг замонавий ускуналарни ўрнатиш эвазига иш унумдорлиги ва сифат кўрсаткичларини тубдан яхшилашга эришдик. Шу боисдан ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизга талаб йилдан-йилга ошиб бормоқда. Энди корхонамизда фақат ички бозор эҳтиёжлари учунгина эмас, балки - хорижлик харидорлар талабига мос маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Агар 2002 йил хорижга ҳаммаси бўлиб 8 миллион 109 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот жўнатишга эришган бўлсак, шу кунгача бу кўрсаткич 9 миллион 579 минг долларни ташкил этди, - дейди жамият раиси Ш.Давиров.

Ҳа, истиқболли режаларни рўёбга чиқариш учун дадил изланиш, ички ва ташқи имкониятлардан усталик билан фойдаланиш талаб этилади. Корхона раҳбарияти, етакчи мутахассислари бунинг уддасидан чиқаётир.

- Иқтисодий имкониятлар кенгайиб, маҳсулотга бўлган талабнинг ошиб бораётганлиги ҳақида гап кетгудек бўлса, бунда корхонадаги барча жараёнлар изчил назоратга олингани хусусида тўхталмай илож йўқ. Пахта толасидан тортиб то мато чиққунча бўлган жараёнлар тўла-тўкис назоратда. Натижада ўтган йилда ўндан ортиқ мамлакатга маҳсулот экспорт қилинди. Хусусан, Россия, Украина, АҚШ, Англия, Италия, Туркия, Белорус, Қозоғистон, Польша давлатларига жўнатилган маҳсулотларга ҳеч қандай эътироз бўлгани йўқ.

Корхонада назорат ишларининг яхлит бир тизими барпо этилган. Тўқув, йигирув, бўяш, пардозлаш фабрикаларида назоратчилар фаолият кўрсатиб келишади. Таҳлилхоналар замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Унда мазкур фирма 2004 йилдан бошлаб комбинат билан ҳамкорликда ишлаш истагини билдирган. Корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисида интернет тармоғи орқали тегишли маълумотлар бериш сўралган. Демак, корхонанинг хориждаги шерикларининг сони яна биттага кўпаяди.

- Жамоадаги халқаро стандартлаш ташкилоти дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Ана шу мақсадда ўзига хос сифат тизимини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу эса ўз навбатида корхона маҳсулотини жаҳон бозорида сотишни анча осонлаштириш имконини беради.

**Н.УСМОНОВ**

*Ўқув даргоҳи касаба уюшма қўмитаси*

# КАТТА ИНОҚ ОИЛА

***Инсон ҳақида ғамхўрлик қилиш, яқин кишиларга ёрдам кўрсатиш халқимизнинг азалий анъаналаридир. Истиқлолимизнинг дастлабки қадамлариданоқ мазкур олижаноб фазилатларни янада ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилди. 2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинганлиги ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Енгил саноат касбий коллежи педагоглари ва талабалари ҳам янги йилни аъло кайфият ва катта режалар билан кутиб олдилар.***

Муаллим ва талабалар ўзларининг катта иноқ оилалари билан самимий фахрланадилар. Зотан, аллома Абдулло Қодирий айтганларидек, «Бу уйдан ҳали ҳеч ким норизо бўлиб кетган эмас». Ушбу кичик «олам»нинг нуфузли маркази ўқув даргоҳининг касаба уюшма қўмитасидир. Унга бир неча йилдан буён Абдуфаттоҳ Холиқов бошчилик қилиб келмоқда. Жамоанинг кўплаб аъзолари унга турли муаммолар, илтимослар, сўровлар билан тез-тез мурожаат этиб турадилар. Бундай мурожаатларнинг биронтаси ҳам касаба уюшма қўмитаси ва ўқув маскани раҳбарияти томонидан эътиборсиз қолдирилмайди. Ўтган йилда коллежнинг бюджетдан ташқари сармоясидан педагогларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун 2 миллион 501 минг сўм ажратилди. Коллежнинг кам таъминланган ходимлари ҳар ойда маъмурият ажратадиган йўлда юриш чипталаридан фойдаланадилар. Тўрт нафар етим бола йўлда юриш ва овқатланиш имтиёзларига эга бўлдилар.

Барча оилаларда бўлганидек, бу ерда ҳам барча болаларга алоҳида меҳр ва мурувват нигоҳи билан қаралади. Бундан таълим олаётган 1320 нафар ўқувчи ғоят мамнун бўлмоқда. Аъло ўқийдиган болалар алоҳида рағбатлантириладилар. Коллеж ўз маблағларидан 4 нафар иқтидорли ўқувчига алоҳида стипендиялар белгилаган. Ана шундай стипендиялардан яна учтасини ҳомий – Тошкент текстил ва енгил саноат институти жорий этди. Яхши ўқиган ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган 13 нафар талабага жами 57 минг сўмлик мукофотлар берилди. Кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳам ёддан чиқарилмади. 8 нафар ўқувчига 55 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Икки нафар болага эса 40 минг сўмлик ўқув формалари олиб берилди. Ушбу маблағлар ҳам бюджетдан ташқари сармоялардан сарфланди. Ручка, қалам, дафтар, блокнотлар, мўъжаз калькуляторлар ҳам яхши байрам совғаси бўлди. Бунинг учун жамоа раҳбарияти 80 минг сўм ажратди. Ўқувчиларнинг севинчини эса ҳеч қандай пул билан ўлчаб бўлмайди.

Ушбу ажойиб жамоада ўзаро ҳамкорлик, муваффақият, осойишталик ва тотувлик устувордир. Шу боис нохуш ва кўнгилсиз воқеаларга ўрин қолмайди. Шунга асосан истиқбол режаларидан ҳам эзгу амаллар алоҳида ўрин олган.

Бу йўналишда, энг аввало, ўқувчилар оилаларидаги аҳвол, яшаш шароитлари, моддий таъминланганлик масалаларига ўзгача эътибор қаратилади. Айни пайтда 112 нафар ана шундай ўқувчилар алоҳида рўйхатда турибди. Улар нафақат пул ва совғалар билангина эмас, ширин сўз ва кўнгил кўтарувчи маслаҳатлар билан ҳам рағбатлантириладилар. Бу ҳолат руҳий ва маънавий жиҳатдан ҳам ўта муҳимдир. Ёши улуғ отахон ва онахонлар ҳам эътибордан четда қолмаётирлар. Ойбек маҳалласи билан коллеж талабалари ўртасида ҳавас қилгудек муносабатлар қарор топмоқда. Болалар хонадонларни тартибга келтиришда, озиқ-овқат, дори-дармонлар олиб келишда дастёрлик қиладилар. Бундай тарзда умргузаронлик қилишни оқибат дейдилар. Бу жараённи ўзгача тафсифлашга ҳожат йўқ. Зотан, биз ҳаммамиз ана шундай анъаналарни ҳар доим сезиб турамиз. Коллеж ўқувчилари ўз қўллари билан тиккан 150 жуфт пойабзални болалар уйига ҳадя қилмоқчи бўлишаётганлигининг ўзиёқ фикримиз далилидир.

**М.ВАЛИЕВА**





## ЎҚУВЧИЛАРГА ДАРСЛИК

Ўтган йил Конимех туманининг олис яйлов ҳудудларида жойлашган 7-, 12-мактаблар ҳаётида ҳам унутилмас из қолдирди. Мазкур мактабларда бюджет маблағлари ҳисобидан 21 миллион капитал таъмирлаш ишлари бажарилиб, синф хоналари замонавий асосда шинам ва бежирим қилиб безатилди. Ўқувчилар ижара усулидаги дарсликлар билан тўлиқ таъминланди. Кам таъминланган оила фарзандларини иссиқ кийим-бош, дарсликлар билан таъминлашда оталиқ ташкилотларининг ёрдами сезиларли бўлди. Хўжаликлар томонидан ҳафтада икки кун кам таъминланганлар учун иссиқ овқат ташкил этилмоқда.

Бу борада «Сарибел» ширкат хўжалиги маъмурияти томонидан олиб борилаётган ишлар айниқса, ибратли бўлмоқда. Хўжалик ўз ҳудудидаги 2-мактабни таъмирлашга 20 миллион сўм ажратди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, конимехлик ўқувчилар қорли-қировли кунларни иссиқ синф хоналарида қаршиламоқда. Бунинг учун ажратилган 1516 тонна кўмир, 51 тонна суюқ ёқилғи олис чўл ҳудудидаги таълим-тарбия масканларига етказиб берилди.

**Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири**



«Зомин» санаторийси юртимизнинг табиати гўзал, иқлими хушҳаво манзилларидан ҳисобланади. Бу ердан қишин-ёзин даво истаб келувчиларнинг қадами узилмайди. Чиройли тоғ тепаликлари, тоза ҳаво, сўлим арчазор, қуёш нури ва юқори ультрабинафша радиацияси беморнинг руҳан ва жисмонан соғайишига имкон яратади. Сиҳатгоҳда болалар ва катталар нафас органлари касалликлари бўйича ўтказилиши шарт бўлган иқлимий профилактик ва климото-терапевтик даволашлар учун барча шароит мавжуд. Бундан ташқари, сув билан даволаш, физиотерапия, бадан тарбияси, терренкур, уқалаш ва сауна ёрдамида ҳам қўшимча муолажалар ўтказилади. Даволанувчилар учун клуб, кутубхона, бар, болалар атракционлари ҳамда спорт майдончалари ишлаб турибди.

***Суратларда: сиҳатгоҳ ҳаётидан лавҳалар.***

**Икром ҲАСАНОВ олган суратлар**

## ПЕШҚАДАМ КОРХОНА ЁШЛАРИ

*Ислоҳот меваси*

«Хива гилами» ҳиссадорлик жамиятида бўлсангиз, цехлардаги қулай шарт-шароит, орасталик, замонавий технологиянинг бир маромда бошқарилиши ҳавасингизни келтиради. Кўп миллатли кишилар ўртасидаги дўстлик-ҳамжиҳатлик янада намунали. Бу ерда мураббийчилик ҳаракати яхши йўлга қўйилган. Қўли гул, ташкилотчи, бир йўла бир неча касб эгаси бўлган кишилар маҳаллий ёшларни оталиққа олиб, ажойиб шогирдлар тайёрлашмоқда.

Касаба уюшма қўмитаси ишчиларнинг чинакам меҳрибони, ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси сифатида фаолият юритмоқда. Жумладан, ўтган йили 42 нафар ишчи-хизматчи республикадаги энг яхши сиҳатгоҳларда дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлади. Эътиборлиси шуки, 30 та йўлланма касаба уюшма томонидан ажратилганди.

Корхонада маданий-оқартув ишлари ҳам жонланиб бормоқда. Бу ердаги «Маънавият ва маърифат» хонаси, кутубхона ҳамиша гавжум. Касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган «Гиламчи» бадиий ҳаваскорлик, ёш қаламкашлар тўгараклари намунали фаолият юритмоқда. Ишчи-хизматчилардан иборат талантлар нуфузли кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишмоқда. «Нафосат» деб номланган ижодий тўгаракка касаба уюшма қўмитаси аъзоси Раҳимбой Каримов бошчилик қилмоқда. Бу ерга шеър ва адабиёт ихлосмандлари ишдан сўнг жамулжам бўлишади. Бадиий адабиётлар мутолаа қилинади. Корхонанинг ўз шоирлари бор. Улар ижод намуналаридан ҳамкасбларига ўқиб бериб, барчага руҳ ва мадад бағишлашади. «Гиламчи» деворий газетасида бу ердаги энг яхши анъаналар, фидойи инсонлар ҳақида мунтазам равишда ҳикоя қилиб борилади.

«Хива карпет» қўшма корхонасида ҳам бадиий ҳаваскорлик тўгараги ташкил этилди. Бу ерда нозик дид эгалари, талант соҳиблари кўп. Бултур ўтказилган вилоят турдош корхоналар ўртасидаги кўрикда «Хива карпет» ёшлари биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Ишчи-хизматчилар, мутахассисларнинг кайфияти яхши бўлганлиги, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш намунали йўлга қўйилганлиги ютуқлар салмоғини ой сайин оширмоқда.

**Р.ИСКАНДАРОВА,**
**Енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг Хоразм вилояти бўйича вакили**

## МАҚСАДИ УЛУҒ КИШИЛАР

***Марҳаматлик тадбиркор Ҳусанбой Солимаҳмудовнинг кичик корхонасида ойига 25 тонна қандолат маҳсулотлар тайёрланмоқда. Корхонада айни вақтда ўттиз киши меҳнат қилаётир.***

Корхонанинг ўзига хос томони шундаки, бу ерга ишга қабул қилинганларнинг аксарияти мураккаб тақдирли кишилар ҳисобланади. Уларнинг айримлари жазо муддатини ўтаб қайтган бўлса, айримлари собиқ гиёҳванд ва ҳуқуқбузарлардир.

- Ҳаёт менинг ҳам бошимни силамаган, анча - мунча қийинчиликларни кўрганман, - деди Ҳ.Солимаҳмудов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Кимошди савдоси орқали эски маъмурий бинони сотиб олиб, дўстларим билан қандолатчилик цехини очдик.

Тадбиркорлар ўз олдиларига аввало собиқ маҳбуслар ва гиёҳвандларга ёрдам беришни мақсад қилиб қўйишди.

Қисқа муддатда корхона кўпчиликка танилди. Жамоа "Наврўз" ва "Янги маҳалла" маҳаллаларини ободонлаштириш, газ ва сув қувурларини тортиш, байрамларни ўтказиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш ишларига бош-қош бўляпти.Бугунги кунда тадбиркор шарқона ширинликлар цехини очиб ,яна йигирмата иш ўрни барпо этишни режалаштирмоқда.

***Бухорода аҳолига кўрсатилаётган маиший хизмат сифатини янада яхшилаш масалаларига бағишланган семинар ўтказилди.***

## ЯНГИ АСОСДАГИ СЕРВИС

Семинар Очиқ жамият Институти - Ўзбекистон Кўмак жамғармаси ҳамда вилоят тадбиркорлар уюшмаси томонидан ташкил этилди.

-Туризм соҳасини янада ривожлантиришда маиший иншоотларни қуриш катта аҳамиятга эгадир,- деди тадбиркорлар уюшмаси раиси Ориф Жўраев. Шундай биноларни қуриш ва эскиларини таъмирлаш бу борада қўйилган дастлабки қадам бўлди..

Семинарда сўзга чиққан "Бухоромаишийхизмат" уюшмаси шаҳар кенгашининг раиси Мавлуда Ражабова хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда яна бир омил бўладиган моделерларнинг шаҳар танловини ўтказиш лозимлигини таъкидлади.

## ШИФО МАСКАНИ ҚУРИЛДИ

***Жондор туманидаги "Мустақиллик" ширкат хўжалигининг Жўйисафед қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти очилди.***

Шифохона "Жондортаъмирқурилиш" МЧЖ жамоаси томонидан бунёд этилди. Қурувчилар бу ерда қарийб 51 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришди.

Қишлоқ врачлик пунктида юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Хусусан, шифо маскани замонавий тиббий ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланган. Шифокорлар ва ҳамширалар мижозларни замонавий ускуналар кўмагида муолажа қилишмоқда.

**"Туркистон-пресс"**

## КЎНИКМА МАРКАЗИ ЁРДАМГА КЕЛДИ

*Бир Фармон шарофати*

Эсингизда бўлса, шўролар даврида у ёки бу сабаб билан қамоққа тушиб чиққанларнинг пешонасига «судланган» тамғаси ёпиштириларди. Шу боисдан улар қисмати билан ҳеч ким қизиқмас, жамиятда қайтадан ўрин топиб кетишлари ғоят қийин кечарди. Истиқлол даврида эса инсонга, ҳаётга нисбатан муносабат ўзгарди. Ҳозирги кунда йўлдан адашганлар тақдири ҳам бошқалар қатори алоҳида эътиборда. Улар жазо муддатини ўтаб келгач, жамият бахт-саодати йўлида меҳнат қилиб келмоқда. Наманган вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги озодликдан маҳрум этиш жойларидан қайтган шахсларда ижтимоий кўникма ҳосил қилиш маркази раҳбари ўринбосари Ёқубжон Мамасодиқов бу ҳақда шундай ҳикоя қилади:

Ақлли-ҳушли одам боласи учун яшаб турган жамиятдан, оиласидан, қадрдон меҳнат жамоасидан ажратиб қўйилишининг ўзи оғир жазо ҳисобланади. Афсуски, баъзи кишилар гоҳ билиб, гоҳ билмасдан, баъзан эса эҳтиросга берилиб шундай шароитга тушиб қоладилар. Бунинг оқибатида эса олдинлари тушларига ҳам кирмаган азоб-уқубатларни бошларидан кечиришларига тўғри келади.

Шўроларнинг инсон ҳақидаги ғамхўрлик билан боғлиқ сохтакорона сиёсатларига нисбатан ўлароқ Ўзбекистонимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ одамлар тўғрисида қайғуриш, уларнинг бахт-саодати ҳақида ўйлаш, дунёга келган ҳар бир инсон боласининг бахтиёр яшашлиги учун етарли шарт-шароит яратиб бериш бош мақсадга айланди. Бу нарса амалда ўз ифодасини топмоқда. Президентимиз томонидан ҳар йили эълон қилиб борилаётган биринчи бор тўғри йўлдан «чалғиганлар»га, кексалар, ногиронлар ва аёлларга нисбатан қўлланилаётган амнистия тўғрисидаги Фармон ҳам бунинг яққол исботидир.

Ушбу Фармонга кўра, вилоятимиздан 571 нафар шахс жазони ўташ жойларидан бўшаб келди. Олдинлари қамоқдан қутилганлар қайтгач, сарсонсаргардонликка маҳкум этилган, иш ва ҳаётда ўз ўринларини топа олмасдан, қийинчиликларни бошдан кечирганлар. Бугунги кунда эса уларга нисбатан эътибор тамоман ўзгача. Бошқачасига айтганда, жазони ўташ жойларидан қайтганлар тегишли давлат идоралари, муассасалар ва ташкилотлар томонидан қатъий назоратга олинган бўлиб, ҳар бир собиқ маҳбуснинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси томонидан белгилаб қўйилган фуқаролик ҳақ-ҳуқуқларидан тўла фойдаланишлари ва бошқа қулайликларга ҳам эга бўлишлари учун алоҳида ғамхўрлик қилинмоқда.

Амнистияга тушганларга жазони ўташ жойларидан қайтганлари заҳоти, уларга ижтимоий кўникма ҳосил қилиш чоралари кўрилмоқда. Биринчи навбатда уларнинг оилавий ва бошқа шарт-шароитлари ўрганиб чиқилади. Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларга дарҳол моддий ёрдам чоралари кўрилади. Рақамлар тили билан ифодалаганда, вилоятимизда жазони ўташ жойларидан қайтганларнинг асосий қисмининг ҳар бирига энг кам иш ҳақининг олти баробари миқдорида ёрдам берилди. Умуман, шу кунгача вилоятда авф этилганларга 12 миллион 625 минг 400 сўм миқдорида моддий ёрдам ажратилди. Шунингдек, марказлашмаган манбалардан ҳам моддий кўмак чоралари амалга оширилмоқда. Бу борада Наманган шаҳри, Уйчи ва Учқўрғон туманлари ҳокимликлари, маҳаллий ташкилотларнинг хайрли ишларини алоҳида таъкидласа арзийди. Жазо муддатини ўтаб қайтганларни ишга жойлаштириш, шу йўл билан кўпчиликдан ажралиб қолишларига йўл қўймаслик борасида ҳам бир мунча ишлар қилинмоқда. Ҳозиргача уларнинг 400 нафардан ортиғи ўз иш жойларига эга бўлдилар.

Кўникма марказларининг аралашуви билан қолганларига ҳам меҳнат ўринларига эга бўлиш чоралари кўрилмоқда. Бу борада «Намтекстил», «Нотўқимачи», «Атлас» ҳиссадорлик жамиятлари алоҳида ташаббус кўрсатмоқдалар.

Ижтимоий кўникма ҳосил қилдириш нафақат моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меҳнат ўринлари билан таъминлашдир, балки собиқ маҳкумларни тарбиялашдир.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ**

*Рейд*





## ҲАЁТИНГИЗНИ ХАВФ ОСТИГА ҚЎЙМАНГ

Ўтаётган ҳар бир кунимизни автотранспортсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин ана шу транспорт воситаларидан қонун талабларига мос равишда фойдаланмаслик турли хил кўнгилсизликларни келтириб чиқариши тайин.

Шу боис Қашқадарё вилоят ички ишлар бош бошқармаси ўтган йилнинг 1 декабридан 30 декабригача вилоят ҳудудида «Трактор» тадбирини ўтказди. Натижада вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди.

- Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад вилоят ҳудудида ҳаракатланаётган турли русумдаги тракторлар ва тиркамалар носозлигининг олдини олиш, - дейди вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Рўзиқул Қурбонов. - Унга 425 киши жалб этилди.

Вилоятдаги барча автотранспортлар текширилганда кўплаб қоидабузарликлар аниқланди. Айрим ҳолларда масъулиятини унутган ҳайдовчилар жиҳозланмаган трактор тиркамалар, автомашиналарда одам ташиб, уларнинг ҳаётини хавф остига қўймоқда. Масалан, Китоб туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг «Сарой» қишлоғида яшовчи Асқар Ибрагимов бошқарувидаги «Т-28 Х-4» русумли 25-ди ФА давлат рақамли тракторни бошқариб келаётган пайтда қияликдан тиркамаси билан тушиб кетади. Натижада бир неча киши тан жароҳати олиб, шифохонага ётқизилди. Энг аччинарлиси, оғир тан жароҳати олганлиги натижасида бир киши шифохонада ҳаётдан кўз юмади.

Шунингдек, текширишда Ғузор туманида яшовчи Акбар Ўроқов тракторини спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда бошқарганлиги аниқланди. «Пачкамар» хўжалигида яшовчи Норпўлат Нормуродов, Акрам Чиноровлар ҳам маст ҳолда транспортларини бошқаришган. Уларга маъмурий тартибда чора кўрилди.

Тадбир давомида давлат рақами белгиси, ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ, ёритиш ва бурилиш чироқлари ишламайдиган транспортлар ҳам борлиги маълум бўлди.

**Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири**

## КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИДА

***Халқаро эмиссия синдикати (ХЭС) 2003 йилда жами тўрт миллиард олти юз эллик миллион сўмлик 6 эмитентли корпоратив облигацияларнинг саккиз марта чиқарилишини ташкил этди. Ўтган йили эмитлаштирилган облигациялар қиймати 10 минг сўмни ташкил этди. Бу ҳақда Carthill Assets Management компаниясининг раҳбари Анвар Расулев "Туркистон-пресс" мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди.***

ХЭС доирасидаги биринчи эмиссия алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Макс Хуросон" Ўзбекистон - Германия қўшма корхонаси 12 ой муддатга йилига 29 фоизлик 20 минг дона облигацияларни чиқарган вақтда, яъни 2003 йилнинг январида рўйхатга олинган эди. Бу "Макс Хуросон" облигацияларининг иккинчи эмиссияси бўлиб, дастлабки эмиссия 2002 йилда 27 фоиз фойда устамаси билан 100 миллион сўм миқдорида чиқарилганди.

"Осиё Вест" қўшма корхонаси ва "Карвон Бозор" ЁАЖлари 2003 йилда бирварақайига облигацияларнинг иккитадан эмиссиясини чиқарди,-деб таъкидлади А.Расулев. -Йилига 30 ва 32 фоизлик биринчи чиқарилган эмитентнинг (0,5 миллард сўмлик икки эмиссия) умумий ҳажми бир миллиард сўмни ташкил этган бўлса, "Карвон Бозор" савдо мажмуаси муомала муддати 18 ва 24 ой бўлган 31 ва 28 фоизлик облигацияларни эмитентлаштирди. Фоиз устамаларининг камайтирилиши республика Марказий банкининг қайта молиялаш устамаларини қисқариши туфайли рўй берди.

Халқаро эмиссия синдикати 2001 йилнинг ноябр ойидан бери муқим фаолият кўрсатмоқда. Англиянинг Carthill Investment Company Ltd. шуъба корхонаси Carthill Assets Management Company (Ўзбекистон) бошқарув компанияси синдикат ташкилотчиси ҳисобланади. Ҳозирги вақтда синдикат таркибида 6 та инвестиция институти ва 15 та тижорат банклари-андеррайтерлари мавжуд.

А. Расулевнинг фикрича, облигациялар бозори корхоналарни турли лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағлаштиришда банк кредитларига нисбатан ўзининг ҳаммабоплиги ва тезкорлиги билан жалб этмоқда. Ўзбекистонда нисбатан янги бўлган мазкур молиявий дастак йилдан йилга катта эътибор қозонягпи. Шу билан бирга, кўпгина корхоналар учун эмиссияни ташкил этиш ва муомала муддати давомида облигацияларнинг ликвидлигини ушлаб туриш анча мураккаб бўлмоқда. ХЭС қўллаб-қувватлаши билан ташкил этилган облигациялар чиқарилиши эмитентларни ортиқча югур-югур, асосийси таваккалчилик хавф-хатаридан асрайди.

# ОТАХОН ДУОГА ҚЎЛ ОЧДИ

***«Бухорокурилиш» хиссадорлик жамияти вилоятдаги энг йирик курилиш жамоаларидан ҳисобланади. Бу жамоада 1000 нафарга яқин киши меҳнат қилади.***

Янги йил байрами арафасида ташкилотда узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан, меҳнат фахрийси Ҳалим ота Файзиевни корхонага чақириб қолишди. Отахонни касабақўм раиси Абдукарим Ҳасанов кутиб олди. Икки ўртада суҳбат қизиди. Гап мавзуи қутлуғ қадамжоларни зиёрат қилиш ҳақида кетганда Ҳалим бобо қувониб кетди.

– Жуда савобли иш бўларди-да. Илоҳим, ишларингиз юришгандан юришиб кетсин. Муродмақсадга етинглар, — дея отахон дуога қўл очди.

Орадан кўп ўтмай «Бухороқурилиш» фахрийлари жой олган автобус Самарқанд бўйлаб сафарга чиқди. Дастлаб тўпланганлар Имом ал-Бухорий мажмуасини зиёрат қилдилар. Ҳазратнинг мусулмон оламидаги мавқеи, буюк хизматлари ёдга олинди. Инсонларни хайрли, саховатли йўлга ундаган, уларни поклик, тўғрилик, ҳалолликка чорлаган ўгит, панд-насиҳатлари тўғрисида қизиқарли суҳбатлар бўлиб ўтди.

Миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, динимизнинг бугуни ва эртаси ҳақидаги қизиқарли мулоқотлар зиёратга чиққанларда катта қизиқиш уйғотди. Қайтишда Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний ҳазратлари қўним топган муқаддас жой ҳам тавоф этилди.

Буюк алломаларга эҳтиром рамзи сифатида кечган бу тадбир барчага олам-олам завқ бағишлади. Қариялар сафарни уюштиришда яқиндан кўмак берган «Сайёҳ ал-Бухорий» фирмасига миннатдорчилик билдиришди.

**У.НАВРЎЗОВ**



# НОГИРОНЛИК АРАВАЧАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Мана бир неча йилдирки, Ҳидоят опа ўғли Шерзодни ўйлаб қайғуради. Бахтсиз тасодиф туфайли у оғир дардга мубтало бўлган. Мана йигирма тўрт ёшга кирибди ҳамки юролмайди. Яқинда ушбу хонадонга оқсоқоллар ташриф буюришди. Биринчи гуруҳ ногирони Шерзод Хўжамовга «Саналитант» халқаро жамғармаси ҳисобидан ногиронлар аравачаси топширилди.***

– Ўғлимни ака-укалари кўтариб олиб чиқиб кирар эди, – дейди унинг онаси Ҳидоят опа Умирова. Шу боис ногиронлар аравачасининг совға қилиниши нур устига аъло нур бўлди.

Инсон қадр-қиммати улуғ. Айниқса, меҳр-саховатга ташна кишиларга озроқ эътибор берилса, қалбида ҳаётга меҳр-муҳаббат янада ошади.

– Ёрдам ва кўмакка эҳтиёж сезадиган, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, турли сабабларга кўра ҳаётда омади келмаган инсонларга моддий ва маънавий кўмак бериш фуқаролик бурчимиз, – суҳбатни давом эттирди вилоят ногиронлар жамияти раиси Арслон Жабборов. – Шу жиҳатдан олиб қараганда, «Меҳр ва мурувват йили» «Обод маҳалла йили»нинг мантиқий давоми бўлади. Жамиятимизда хайрия ишларининг аниқ дастури тузиб чиқилди.

Вилоятда «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун» ва бошқа жамғармалар қатори хорижий ташкилотлар ҳам кенг кўламдаги ижтимоий ҳимоя тадбирларини амалга оширмоқдалар. Масалан, Америка Қўшма Штатларининг халқаро «Сатаритам» ПЮРС жамғармаси республикамиз ногиронларига 750 та ногиронлик аравачаси тақдим этди. Шундан 40 таси Қашқадарё вилоятида яшаб келаётган ўзгалар ёрдамига муҳтож кишиларга топширилди.

Бундан ташқари, жамғарма томонидан жойларда «Қариялар чойхоналари» қурилиб, кексаларнинг бир-бирлари билан мулоқот қилишлари учун шароит яратилди. Болалар мурувват уйларига замонавий компьютерлар олиб берилди.

Касби туманидаги тасодиф туфайли соғлиғини йўқотган кишиларга 10 та ногиронлик аравачаси тошпширилди. Айни чоғда, тумандаги 270 дан ортиқ болаликдан ногиронлар парваришига алоҳида эътибор беріляпти.

Косон шаҳрида яшовчи йигирма ёшли ногирон Флюра Ҳамроеванинг қувончи чексиз. У ҳам яқинда ҳомийлар ҳиммати билан ногиронлик аравачасига эга бўлди. Натижада юриш-туришда қийналаётган ногирон қизнинг мушкули енгиллашди.

Қарши шаҳридаги Баҳромовлар оиласида 4 та ногирон яшайди. Шаҳар ҳокимлиги, ногиронлар жамияти, ижтимоий таъминот бўлими мутасаддилари, маҳалла қўмитаси фаоллари уларнинг ҳолидан ҳамиша хабардор.

Бундан ташқари, вилоятдаги кексалар ва ногиронлар ўртасида оммавий-маданий тадбирлар уюштириляпти. Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номли мусиқали драма ва «Эски мачит» театрлари, Қарши, Косон, Нишон, Муборак, Шаҳрисабз, Китоб туманларидаги халқ ашула ва рақс гуруҳлари иштирокида уларга концертлар қўйиб беріляпти, спорт мусобақалари ўтказиляпти.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# БЕҒАРАЗ МАДАД

Америка Қўшма Штатининг «Самаритам пюрс» халқаро инсонпарварлик ташкилоти дунёдаги 125 та давлатга беғараз ёрдам кўрсатиб келмоқда. Мазкур ташкилотнинг асосий мақсади, қаровсиз қолган ёлғиз кексаларга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари бериш, ногиронларга ёрдамлашиш, меҳрибонлик уйларини таъмирлашга маблағ ажратишдан иборатдир. Ташкилотнинг Тошкентдаги ваколатхонаси билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатилган. Ташкилот томонидан 49 та ногиронлик аравачаси Жиззах вилоятида истиқомат қилаётган ногиронларга туҳфа қилинди.

**Н.БЎРИЕВ**

# 2004: МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ

## САХОВАТ

***Янги йил байрами арафасида Ғиждувондаги Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига тадбиркорлар иккита телевизор ва видеоплеер ҳадя қилишди.***

Вилоят прокуратураси томонидан яна битта телевизорнинг топширилиши болажонлар қувончига қувонч қўшди. Қолаверса, Навоий кон металлургия комбинати ,"Бухоропахтатозалаш" ҳамда "Ғиждувонпахтатозалаш" акциядорлик жамиятлари ҳам болаларга 400дан ортиқ янги йил совғаларини топширишди. Ушбу ташкилотларнинг сайъ-ҳаракати билан тўкин байрам дастурхони тузатилди.

***

***Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Бухоро вилояти кенгашида вилоятда истиқомат қилувчи 100 нафар немис оилаларига Германия Қизил хоч жамияти кўмагида ташкил этилган Ижтимоий ёрдам марказининг янги йил совғалари топширилди.***

-Мазкур марказ нафақат немис миллатига мансуб кишиларга, балки бошқа миллат вакилларига ҳам ижтимоий кўмак кўрсатади,- деди,- вилоят Қизил ярим ой жамияти кенгаши раисининг ўринбосари Манзура Назарова. - Булар асосан ёлғиз, кекса ва кам таъминланган кишилардир. Уларга текин стоматология хизмати, шунингдек дори-дармонлар берилмоқда. Бу ишлар немис шерикларимизнинг беғараз ёрдами туфайли амалга ошириляпти.

*"Туркистон-пресс"*

## ОЛИС ҚИШЛОҚДАГИ САВОБЛИ ИШЛАР

Матлуба опа одатдагидек ишга барвақт келди. Қиладиган ишларни режалади. Иш столи устидаги таклифномани қўлга олар экан, бугун қишлоқ фаоли, марҳум Муса Саъдиев хотирасига бағишлаб ўтказиладиган турнир ҳақида ўйлади. Ҳа, Зафаробод қишлоқ касб-ҳунар коллежида спортга эътибор ортиб бормоқда. Ҳар чоракда туман миқёсида спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб турилади. Ҳозиргача А.Дилмуродов, А.Жавлоновлар хотирасига бағишлаб ўтказилган турнирлар бўлиб ўтди. Бунда коллеж маъмурияти билан бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Дилбар Бегматованинг ҳиссаси катта бўлаяпти. АСМ ходимлари Зафаробод туман қўмитаси ҳам бу тадбирлардан четда қолмаяпти, албатта.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга эътибор кучайтирилаётган бир пайтда Зафаробод туманида ҳам бир қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Туман болалар ижодиёти уйи қошида 150 нафар бола спортнинг кураш, волейбол, баскетбол сингари ўнга яқин тури бўйича тўгаракларга жалб этилган бўлса, туман Ички ишлар бўлими қошида ташкил этилган таэквондо тўгарагида 40 нафар бола мунтазам шуғулланаяпти. Туман АСМ ходимлари касаба уюшма қўмитаси жорий йилда энг фаол спортчи ёшлардан 125 нафарига «Жилғала» оромгоҳига бепул дам олиб келишларига йўлланма ажратди.

Туман АСМ ходимлари касаба уюшма қўмитасига Матлуба Ҳакимова раҳбарлик қилади. Ўн минг нафарга яқин касаба уюшма аъзосини ўз сафида бирлаштирган қўмита кўп ишга қодирлигини намойиш этмоқда. В.Мирзаев, У.Сарибоева, С.Болқибоевлар касаба уюшма суянчиғи, мададкори.

Чўл шароитида фермерлик ҳаракати Зафаробод туманида синовдан ўтди, дейишади кўпчилик. - Бугунга келиб туманда 1200 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Бу жамоаларда 7,5 минг нафар касаба уюшма аъзоси ишлайди. Уларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш касаба уюшма зиммасида. Ҳар бир фермер хўжалиги раҳбари билан жамоа шартномаси тузишга эришилди.

Туманда истиқомат қилувчи ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 40 кишига фермерлар манзилли мурувват кўрсатмоқда. Ў.Бойжонова раҳбарлигидаги «Наргиза», З.Нуралиева бошчилигидаги «Худоёрхон», К.Қудратов етакчилигидаги «Хумо» каби ўнлаб фермер хўжаликлари шундай саховатпешалар сирасига киради.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Масала кўндаланг қўйилади*

# ТОВОН ПУЛИ НЕГА ТЎЛАНМАДИ?

***Ота-онамга қўл-қанот бўлиб, рўзғорга хийла бўлсада қут-барака киритай дея иш бошлаган ғиждувонлик Ихтиёр Ғайбуллаев 2002 йил 5 август куни бахтсиз ҳодисага учради. «Ишонч» ишлаб чиқариш фирмасига қарашли ғишт заводига ишга кирган Ихтиёр орадан хийла вақт ўтар-ўтмас чап қўлидан ажраб қолди.***

Ҳали балоғат ёшига тўлмаган ўспирингa пресслаш машинасидан чиққан ғиштни жамлаб, лентага узатиб туриш ҳамда тўкилган тупроқни махсус мослама ёрдамида лентага ташлаб туриш вазифаси юкланганди. Бошқача айтганда, масъулият ва зийраклик талаб қилинадиган бу юмуш 18 га кирмаган йигит зиммасига юкланганди.

Меҳнат Кодексининг 242-моддасида вояга етмаганларнинг ҳафталик иш соати 36 соатдан ошиши мумкин эмаслиги очиқ-ойдин кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, белгиланган нормаларга асосан вояга етмаганлар оғирлиги 4,1 килограмдан юқори бўлган юкларни кўтариши ман этилган.

Хуллас, Ихтиёр Ғайбуллаев фирмада иш юритувчи Малик Пўлатов билан 2002 йил 1 август куни тушгача юқорида айтилган юмушни бажарди. Унинг қўли ишга келиб қолганига ишонч ҳосил қилган М.Пўлатов тушдан кейин йигитнинг ўзини қолдирди. Кейинги кунлари корхонада таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 5 августдан яна ғишт ишлаб чиқаришга киришилди. Бахтга қарши ўша куни Малик Пўлатов шаҳарга кетиб қолади. Ихтиёр транспортёр лента оралиғини тозалаётган вақтда қўли бехосдан барабанга қисилиб, оғир тан жароҳати олди. Касалхонада унинг қўлини кесиб ташлашдан бўлак чора қолмади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ ушбу ҳодиса юзасидан текшириш ўтказилди. Махсус комиссия бахтсиз ҳодисани ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ эканлигини эътироф этган ҳолда далолатномасини тузди. Унга иш берувчи ҳам, гувоҳлар ҳам имзо қўйишди. Ҳатто иш берувчи ўз муҳрини ҳам босди. У ёғи қонунда кўрсатилган тартибда товон пули ва нафақа ундириш билан якун топиши керак эди.

Аммо кейинчалик иш берувчи ҳар хил баҳоналарни рўкач қилиб, жабрланувчига бир сўм ҳам бермайди. Ўз-ўзидан масала одил судлов муҳокамасига келиб қадалди. Лекин 2003 йил 18 сентябрда Ғиждувон туманлараро фуқаролик суди (раислик этувчи Т.Хўжаев) воқеага аниқлик киритиш ўрнига уни боши берк кўча томон етакловчи тўхтамга келади.

Савол туғилади: нега суд Ихтиёр Ғайбуллаевнинг етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво аризасини рад этиш тўғрисидаги қарорга келди?!

Меҳнат Кодексининг 82-моддасида шундай қайдлар бор. «Ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганидан қатъий назар иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган, деб ҳисобланади». Демак, изоҳга ҳожат йўқ. Яъни фирма маъмурияти ногирон Ихтиёр Ғайбуллаевга моддий ва маънавий зарарни тўлаши шарт.

**Усмон СОЛИҲ ўғли,**
**«Ишонч» мухбири**

# МИРИҚИБ БАЙРАМ ҚИЛИШДИ

***Ўшда АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги (USAID) Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг бешта чегара олди қишлоғи болалари иштирокида тадбир ўтказди.***

Тадбирда умумий таълим мактаблари, маҳалла ва мактабгача тарбия муассасаларидан келган болалар иштирок этди. Байрамнинг биринчи куни ўсмирлар Қорбобо, Қорқиз ва турли эртак қаҳрамонлари билан биргаликда янги йилни нишонладилар. Кейинги икки кун давомида эса улар болалар парламенти вакиллари сифатида қатнашиб, "Болалар етакчилари мактаби тамғаси"ни тасдиқладилар.

Тадбир иштирокчилари мактабларда, мактабдан ташқари муассасаларда ўз-ўзини бошқариш ҳамда ёрдамга муҳтож оилаларга кўнгилли ёрдам бериш масалаларига бағишланган тренингларда қатнашдилар.

# ЮРТ ТАЯНЧИ

***Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан юртимизда оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги ўтказилмоқда. Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ва ижодкорларнинг ҳарбий қисм ва бўлинмаларга ташрифлари ташкил этилмоқда.***

Оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлигини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад—чақириқ ёшидаги йигитларни ҳар томонлама ҳарбий хизматга тайёрлашдан иборатдир. Бу борада "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Сирдарё вилояти бўлими томонидан ташкил этилаётган кўпгина тадбирлар эътиборга молик.

- Вилоятимизда мавжуд 9 та ҳарбий қисмда ҳамда умумий таълим мактабларида, касб-ҳунар коллежларида шу мавзуда турли кечалар, йиғилишлар ўтказилмоқда, - деди бўлим раиси Дилмурод Аҳмедов. - Бугунги кунда 1800 нафардан ортиқ ёшларимиз республикамизнинг қуролли кучлари ва ҳарбий қисмларида хизмат қилмоқда. Мингдан ортиқ ёшларимиз сафарбарлик-чақирув резерви хизматида. Умумтаълим мактабларининг битирувчи йигитлари орасида тарғибот-ташвиқот ишлари, спорт мусобақалари ўтказилаяпти.

Ёшларни аскарликка тайёрлаш оила, маҳалла, жамоатчилик зиммасига алоҳида талаблар қўяди. Бу талабларнинг пухта бажарилиши эса қуролли кучларимиз қудратини янада оширади.

**"Туркистон-пресс"**

# АҚШ: РЕСПУБЛИКАЧИЛАР САЙЛОВГА ЖИДДИЙ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

*Шарҳловчи минбари*

Шу йилнинг ноябрида АҚШда навбатдаги президент сайлови бўлади. Шу боис мамлакатдаги икки сиёсий партия - демократлар ва республикачилар лагерида навбатдаги «жанг»га тайёргарлик қизғин кечмоқда. Республикачилардан номзодликка кўрсатиладиган ягона вакил амалдаги президент Жорж Буш бўлиши ҳозирдан маълум. Демократлар эса ҳали ҳам ягона номзодни аниқлай олмаяпти.

АҚШдек қудратли давлатда юз берадиган бундай сиёсий воқеалар жаҳон аҳлининг эътиборидан четда қолмайди. Сайловолди пойгаси эса шубҳасиз катта маблағ талаб қилади. Гарчи ҳозир АҚШда сайловолди пойгасига расман старт берилмаган бўлса-да, номзод кўрсатишга тайёргарлик ишлари аллақачон бошлаб юборилган.

Номзоднинг амалий ҳаракати эса табиийки, даставвал сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари учун маблағ топишдан бошланади. Бу борада рақиб партия вакилларининг имконияти қандай? Кузатувчиларни ушбу саволга жавоб топиш қизиқтирмоқда.

Аввалдан айтиб ўтиш жоизки, бу борада президент Жорж Бушнинг имконияти катта. АҚШ матбуотининг ёзишича, қайта президент бўлиш учун курашга чоғланган Жорж Буш ўтган йили сайловолди жамғармасига 130 миллион доллар тўплаган. Лекин бу ҳали чегара эмас.

Жорж Бушнинг асосий рақибларидан бири демократ Говард Диннинг жамғармасида атиги 40 миллион атрофида маблағ тўпланган. Ҳозир демократлар партиясидан тўққиз нафар вакил Жорж Буш билан беллашишга тайёр турибди. Бироқ уларнинг сайловолди компанияси учун тўплаган барча маблағини жамлаганда ҳам (расман тасдиқланмаган маълумотларга қараганда, 120 миллион доллар) Жорж Буш маблағидан оз экан. Демократларнинг яна бир заиф томони шундаки, улар ушбу маблағни аллақачон қарийб ишлатиб ҳам бўлган.

Демократлардаги мавжуд муаммоларнинг яна бири ҳали мазкур лагерда ягона номзод аниқланмаганида. Масалан, Говард Динга яна бир демократ, истеъфодаги генерал Уэсли Кларк рақиб бўлиб турибди. Кузга келиб уларнинг фақат биттаси амалдаги президент Жорж Буш билан беллашиши керак.

Тўғри, қонун бўйича, президент сайловолди компаниясини муваффақиятли олиб борган номзодга давлат томонидан муайян маблағ ажратиш кўзда тутилган. Бироқ бу йўл номзоднинг маблағлардан фойдаланишидаги эркинликларини бир қадар чеклаб қўяди. Шу боис Жорж Буш ҳам, унинг рақиби Говард Дин ҳам давлат маблағини ўз номзодини расман илгари сурмасдан олдин олмасликка қарор қилган.

Жорж Бушнинг яна бир имконияти у юритаётган сиёсатни аксарият америкаликлар қўллаб-қувватлашидир. Сўнгги ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Жорж Буш сиёсатини АҚШ аҳолисининг 60 фоизи маъқуллайди. Бироқ президентнинг сиёсий рақиблари ҳам қўл қовуштириб тургани йўқ. Улар ҳам Жорж Бушга қарши бор молиявий имкониятларини ишга солишга чоғланган. Масалан, таниқли финансист Жорж Сорос яқинда Жорж Бушнинг қайта сайланмаслиги учун шахсий жамғармасидан 12,5 миллион доллар ажратганини маълум қилди. Табиийки, унинг бадавлат маслакдошлари ҳам худди шундай йўл тутади. Зеро, бундай чоралар қонунга зид эмас. Бироқ республикачи сенаторларнинг бири таъкидлаганидек, Жорж Сорос тутган йўл сиёсий компанияни молиялаштириш тизимининг ошкоралигига соя солади.

Хуллас, АҚШда сайловолди пойгаси ҳали расман бошлангани йўқ. Бироқ республикачилар ҳам, демократлар ҳам курашга жиддий тайёргарлик кўраётгани маълум.

# ҲИНДИСТОННИНГ АЁЗЛИ КУНЛАРИ

Дунёнинг энг иссиқ мамлакатларидан бири бўлган Ҳиндистонда бу йил қиш қаттиқ келди. Шу кунларда этни жунжиктирувчи аччиқ совуқ аҳоли учун ҳақиқий офатга айланган. Мамлакатда совуқдан қурбон бўлаётганлар сони кундан-кунга кўпаймоқда.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Ҳиндистоннинг шимолий, марказий ва шарқий ҳудудларида совуқ уриши оқибатида кейинги уч ҳафтада камида 600 киши қурбон бўлган. Ҳар куни юзлаб одамлар касалхонага ётқизилмоқда.

Ҳавонинг совиб кетиши айниқса, аҳолининг камбағал қатламига ҳақиқий офат келтирди. Иссиқ ҳавоға мўлжаллаб, енгил-елпи қурилган уйлар эгаларини аччиқ шамол, қор ва жаладан ҳимоя қила олмаяпти.

Чидаб бўлмайдиган аёзли кунлар пойтахт Деҳли аҳолиси учун ҳам катта ташвиш келтирмоқда. Қуюқ туман кўчаларда транспорт қатновини қийинлаштирди. Аэропортда самолётлар парвози ҳам тўхтаб қоляпти. Электр таъминотида узилишлар бўлаётгани сабабли шаҳарнинг аҳоли истиқомат қиладиган мавзелари соатлаб иссиқликсиз қолмоқда.

Деҳлида шу кеча кундузда ҳаво ҳарорати 3-7 даражани кўрсатаётир. Бу эса иссиқ мамлакатлар учун жуда совуқ ҳисобланади. Пойтахт маъмурияти томонидан одамларга иссиқ овқат, кўрпа-тўшак ва кийим-кечаклар тарқатилаётганига қарамай, кўрсатилаётган ушбу ёрдам кўчада яшаётган ўн минглаб одам, айниқса, болалар учун камлик қиляпти.

Мамлакатнинг шимоли-шарқий ҳудудларида жойлашган йирик шаҳарларда ҳам вазият анча оғир. Бу ерларда бошланғич таълим масканлари ёпиб қўйилган.

Ҳиндистон ярим оролида жойлашган Бангладеш ҳудуди ҳам совуқ ҳаво оқимига дуч келган. Мамлакатда совуқ уриши оқибатида қурбон бўлганлар сони икки юз нафардан ошиб кетди. Уларнинг аксарияти уйсизлардир. Таассуфки, об-ҳавошуносларнинг маълумотлари ҳам яқин кунларда ҳаво исишидан дарак бермаяпти. Ҳиндистон метеорология департаментининг маълум қилишича, совуқ ҳаво оқими яна бир неча кун сақланиб туради.

**(ЎзА)**

# ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ КРЕДИТЛАРИ

Осиё Тараққиёт банки мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш учун яна иккита кредит ажратди

Банкнинг минтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўйича вазирлар анжуманининг 2003 йил Тошкентда ўтказилган йиғилишида мазкур банк билан ўзаро манфаатли шериклик йўлга қўйилиб, турли муаммолар ечимини биргаликда қидириш ҳамда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш келишиб олинганди. Осиё тараққиёт банки айни чоғда дастлабки амалий тадбирларни бошлаб юборди.

Мазкур банк томонидан Ўзбекистонга ажратилган жами кредит 1 миллиард 340 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, айни вақтда шундан 745 миллион АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Банкнинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган кредити умумий қиймати эса 99,2 миллион АҚШ долларига тенг. Маблағлар Аму-занг машина канали тизимини тиклаш ва ғалла ҳосилдорлигини ошириш ишларига сарфланади. Аму-занг машина канали тизимини тиклаш лойиҳасининг мақсади Аму-занг суғориш тизимининг мустаҳкамлиги, самарадорлиги ва барқарорлигини оширишдан иборат. Мазкур тизим Сурхондарё вилоятида 100 минг гектар майдонга сув етказиб беради.

Иккинчи лойиҳа эса Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида турли агро-экологик ҳолатларда хўжалик юритишнинг бозор шароитларида бошоқли экинлар етиштиришнинг барқарор ўсишига кўмаклашишдан иборат. Шунингдек, банкнинг минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуси доирасида келажакда транспорт, энергетика ва савдо масалаларини ҳал этишга қаратилган қўшма лойиҳаларни тайёрлаш ҳам кўзда тутилмоқда.

**"Туркистон-пресс"**

*Касаба уюшма спорти*

# УЛАР БИЗНИНГ ФАХРИМИЗ



**ОКСАНА ЧУСОВИТИНА**

2003 йил якунларига кўра «Гиннеснинг рекордлар» китобидан жой олган Оксана Чусовитина «Спорт» газетаси томонидан ўтказилган йилнинг «Энг яхши спортчиси» сўровномасида 144 балл тўплаб, «Йилнинг энг яхши спортчиси» дея эътироф этилди.

Чемпион эришган ғалабалар кишини ҳайратга солади. У кўрсатган бу йилги натижаларга назар солсак, Германиянинг Коттбус шаҳрида халқаро турнирда (олтин), Грузияда жаҳон кубоги баҳслари (бронза) ва ниҳоят Американинг Анахайм шаҳрида ўтган жаҳон чемпионати баҳсларида ғалаба қозонди. У биринчилардан бўлиб, Афина Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритган. Оксана 28 ёшида жаҳон чемпиони бўлди ва тўртинчи марта Олимпиадада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди, ҳали спорт гимнастикаси тарихида бундай натижа кузатилмаганди. Шуниси қувонарлики, Оксана ҳам касаба уюшмалари спорт мактаби тарбияланувчисидир.



**ДИЛШОД МАНСУРОВ, – «2003 йилнинг энг яхши спортчиси»**

Касаба уюшмалари спорт мактабининг тарбияланувчиси, эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров, Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан мутахассислар ўртасида ўтказилган сўровномада «Йилнинг энг кучли спортчиси» деб эътироф этилди.

Тан олиш керакки, Дилшод 2003 йилда спортдаги энг яхши натижаларга эришди. Аввалига у эрта баҳорда Тошкентда ўтказилган «Мустақиллик кубоги»да ғолиб чиқди. Сал кейинроқ эса АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионати баҳсларида зафар қучиб, бир йўла Афина Олимпиадаси йўлланмасини ҳам қўлга киритди.

– Бу йил ҳаётимда ўчмас из қолдирди. — Ўзимнинг энг юксак орзуларимдан бирига эришдим. Муваффақиятларимда устозларим – Маъмур Рўзиев ва Нурлан Жаксаликовнинг хизматлари беқиёс эканлигини таъкидлашни истардим, - дейди Дилшод Мансуров.

Дарвоқе, «Йилнинг энг яхши мураббийлари» сўровномасида Дилшоднинг устозлари М.Рўзиев ва Н.Жаксаликовларнинг номлари ҳам жой олган.



# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

***Қўғирчоқбозлик томоша санъати кўпдан бери халқимиз эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Бугунги кунда ҳам ушбу ижодий жараёнга бўлган қизиқиш катта.***

## ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ САНЪАТИДАН ДАРСЛИК

Республика қўғирчоқ театри томонидан постановка қилинаётган спектакллар муҳим мактаб бўлиб хизмат қилмоқда. Кўзга кўринган санъаткор, шу театрнинг бош режиссёри Марям Ашурова.

Унинг саъй-ҳаракати билан қўғирчоқ санъати бўйича дарслик тайёрланди.

Қўғирчоқ театри бўйича мамлакатимизда биринчи бор юзага келган бу ўқув адабиёти ўз мундарижа ва кенг қамрови билан ҳам ажралиб туради.

У босмадан чиққач, Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти талабалари, қолаверса, шу санъат билан шуғулланаётган мутахассислар учун фойдали адабиёт бўлиб хизмат қилади.

**А.АЛИЕВ**

## ХОРАЗМ «МАЪМУН» АКАДЕМИЯСИ



Ўзбекистон – илм-фан ва маданият қадимдан тараққий этган мамлакатлардан бири. Диёримизда асторономия, математика, тиббиёт, кимё, меъморчилик, маданиятшунослик, фалсафа, тилшунослик ҳамда адабиётшуносликка катта эътибор берилган.

XI асрда Хоразм пойтахти – Урганчда «Билимдонлар уйи» – «Академия» ташкил этилиб, бу ерда Хоразмшоҳ Маъмун ҳомийлигидаги фалсафа, риёзиёт ва тиб илмларига оид масалалар муҳокама қилинарди. Дунёнинг турли жойларидан келиб, бу ерда илм-маърифат олган кўплаб алломаларни санаш мумкин.

Мамлакатимиз мустақил бўлганидан кейин 1997 йилда Хоразм «Маъмун» академияси янгидан ташкил қилинди. Унинг асосий йўналиши мазкур воҳа тарихи, маънавияти ва маданияти, табиатни ҳамда қишлоқ хўжалиги каби соҳаларни илмий ўрганишга қаратилди. Бу ерда 80 дан ортиқ киши меҳнат қилмоқда, шулардан 58 таси илмий ходимдир. Жамоада устоз олимлар билан бир қаторда истеъдодли ёшлар ҳам фаолият юритмоқда.

Академиянинг кўҳна Хива шаҳрида жойлашгани ҳам бу ноёб шаҳар тарихи, ёдгорликлари, бу ерда яшаб ижод этган буюк алломалар тўғрисида илмий манбалар тўплашга яқиндан ёрдам беради. Мазкур илм даргоҳи замонавий ва шинам бинода жойлашган бўлиб, изланишлар олиб бораётган олимларга барча шарт-шароит яратилган. Бу ерда музей зали, қўлёзмалар хонаси, буюк алломалар фаеси, кутубхона, компьютер заллари, илмий лабораториялар ва кўплаб экспонатлар мавжуд.

**Суратда: илмий ходим Гавҳар Дурдиева.**

**Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат**

# ФУТБОЛ-ТЕСТ

**1.Ўзбекистонда 2002 йил «Йилнинг энг яхши мураббийи» деб ким эътироф этилган?**
A) Виктор Жалилов
B) Юрий Саркисян
C) Виктор Борисов
D) Баҳром Ҳакимов

**2.Ўзбекистон терма жамоасига ютқазган, бироқ Евро-2004 финал босқичига йўл олган терма жамоа?**
A) Литва
B) Украина
C) Латвия
D) Болгария

**3. Тўртта жаҳон чемпионатида иштирок этган Жанубий Кореялик футболчи ким?**
A) Хонг Мю Бо
B) Ан Чжун Хван
C) Ки Хюн Сеул
D) Сон Чон Гуг

**4.«Осиёнинг энг яхши футболчиси» Меҳди Маҳдавикия ўйнаётган жамоа?**
A) «Боруссия»
B) «Гамбург»
C) «Рома»
D)«Штутгарт»

**5.Италия «А» сериясида иштирок этадиган «Милан» жамоасининг мураббийи?**
A) Марчелло Липпи
B) Отто Рехагль
C) Свен-Йоран Эриксcон
D) Карло Анчелотти

**6.Англия премьер-лигасининг ўтган йилги чемпиони?**
A) «Челси»
B) «Ливерпул»
C) «Манчестер-Юнайтед»
D) «Арсенал»

**7.Евро-2004 финал босқичига биринчи йўлланмани қўлга киритган терма жамоа?**
A) Польша
B) Болгария
C) Англия
D) Германия

**8.«Скуадра адзурра» ибораси қайси терма жамоага нисбатан ишлатилади?**
A) Испания
B) Бельгия
C) Франция
D) Италия

**9.Евро-2004 баҳсларига йўл олган Швейцария терма жамоаси мураббийи?**
A) Пламен Марков
B) Коби Кун
C) Берти Фогтс
D) Мартен Ольсен

**10.Машҳур футболчи Зайниддин Зиданнинг асл ватани?**
A) Франция
B) Миср
C) Жазоир
D) Камерун

*Саломатлик сабоқлари*

***Чиқар хордиғинг доим ичсанг чой,***
***Чойдир нафосат, куй, ғазал, чирой.***
***Чоп, азизим, кел, чой ичайлик, чой,***
***Чойдан ол мадад, чой – қувватга бой.***

**Рабиндранат Тагор**

# ЧОЙ – ШИФОБАХШ ИЧИМЛИК

Чой кўпгина халқларнинг севимли ичимлиги ҳисобланади. У қадимдан турли касалликларга шифобахш, дори-дармон ва парҳез восита сифатида қадрланади. Масалан, Хитой, Ҳиндистон, Ҳинди-Хитой, Япония, Марказий Осиё ва бошқа мамлакатларнинг халқ табобатида кўпгина хасталиклар чой билан даволаб келинади. Барча чойлар – кўкию қораси, сариғию қизили битта яшил бута (дарахт) баргларидан махсус технологик жараёнлар асосида тайёрланади.

Беморга моддий таъсир этувчи восита сифатида чой халқ табобатида: ич кетиш, иштаҳасизлик, бош ва тиш оғриқлари, шамоллаш, қон босими, юрак хасталиги, ошқозон-ичак, буйрак, жигар, асаб касалликларини ва бошқа хасталикларни даволашда қўлланилади. Чой нафас олиш аъзоларига ҳам ижобий таъсир этиб, ақлни пешлайди, қонни тозалайди, оғиздан келадиган қўланса ҳидни йўқотади, пешоб ҳайдайди, жигар ва қон томирлардаги тиқилмаларни очади. Баргидан шишларга қўйиб боғланса қайтаради, чой билан фасодли яра-чақа, шапоғлашган кўзлар ювилса фойда қилади. Иссиқ чойга туз қўшиб оғиз чайилса, шамоллаган милкларга даво бўлади. Чойнинг кимёвий таркиби жуда мураккаб бўлиб, ҳозиргача олимлар унинг таркибида 300 дан ортиқ кимёвий моддалар ва бирикмалар борлигини аниқлаб, улардан 260 га яқинининг формуласини топишга муваффақ бўлишган. Лекин шу вақтгача баъзи модда ва бирикмаларининг сирлари очилгани йўқ, фақат умумий кўринишда аниқланган, холос. Чой хомашёсининг асосий сифатларини белгилаб берадиган уч хил моддалар комплекслари мавжуд. Булар кофеин, танин ва эфир мойларидир. Чойга ажойиб ис, ранг ва таъм берувчи экстрактив моддалар гуруҳи ҳали тўла ўрганилган эмас. Чой витаминлар сероблиги билан ҳам машҳур неъмат бўлиб, таркибида A, B1, B2, P, C витаминлари кўплиги аниқланган. Чой баргида табиат ўзига хос тўлиқ кимёвий ҳаракатдаги лаборатория ҳосил қилгани Яратганнинг мўъжизасидир. Чой бутасидаги баргидан тортиб то бир қултум чой ичгунимизга қадар унинг баргида мураккаб кимёвий ўзгаришлар, ўзаро таъсирлар, оксидланиш жараёнлари ва бир хил моддаларнинг бошқа моддаларга айланиши сирлилигича қолмоқда. Чой ичимликлар ичида яккаю ягона бўлиб, қизиқарли қарама-қарши хусусиятларга эгадир: қувватни оширади ва чарчоқни олади, ҳаяжонлантиради ва тинчлантиради, дастлаб иситади, кейин салқинлаштиради, меъёрида ичилса даволайди, ҳаддан ортиқ аччиқ дамлаб ичилса, салбий таъсир қилади ва ҳоказо. Бу хусусиятлар яна бир бор чойнинг ҳақиқий ажойиб ва шифобахш ичимлик эканини исботлайди.

Чойнинг хилма-хил навлари бўлиб, улар таркиби, таъми, ҳиди, ранги ва шифобахш хусусиятлари билан фарқланади. Масалан, кўк чой олишда барглар қора чойга ўхшатиб сўлитилмайди, ферментация қилинмайди, иссиқ буғга тутилиб, сўнгра қуритилади. Олимларнинг хулосаларига кўра кўк чой таркибида қора чойга қараганда B,C,P,PP витаминлари, ифор мойлари, ошловчи моддалар, алколоидлар кўпроқ миқдорда бўлади. Улар организмдаги оксидловчи, тикловчи жараёнларга яхши таъсир қилиб, сув-туз алмашинувини меъёрга солади, юрак-томир тизими фаолияти тонусини ошириб, қон босимини туширади. Кўк чой қора чойга нисбатан микробларга қарши кучлироқ таъсир қилади. Шифокорлар гипертоникларга, буйрак касалликларига чалинган кишиларга кўк чой ичишни тавсия беришади.

Қора чой тайёрлашда чой барглари уюми очиқ ҳавода қуритилади, лекин бу жараёнда, улар таркибидаги намликнинг учдан бири йўқолади. Сўнгра бу барглар машиналар ёрдамида эзилади. Эзилиш давомида ҳужайралардаги шира ҳавода оксидланади ва барглар рангсизлана боради. Яшил барглар қўнғир ва қизғиш тусга киради. 85-88 даража иссиқликда қуритилган барглар қораяди ва шу тахлитда қора чой вужудга келади. Мазкур жараёнда кофеин сезиларли кўпаяди. Маълумки, кофеин юрак-қон томири ва нафас олиш маркази фаолиятини қўзғайди. У танага бардамлаштирувчи ва тикловчи таъсир кўрсатади. Шунинг учун қора чой чарчоқда, уйқусизликда, ишчанлик хусусиятининг, юрак фаолиятининг сусайишида ва қон босимининг пасайишида (гипертонияда) тавсия этилади.

Аммо чойни меъёри ва ўрнига қараб ичилмаса, зарарли таъсир келтириб чиқариши мумкин. Жумладан, ҳомиладор аёлларга аччиқ ва кўп чой ичиш тавсия этилмайди, чунки чойдаги кофеин, танин, ифор мойлари, пурин ва бошқа моддалар ҳомила қонига ўтиб, унга салбий таъсир этади. Эмизикли аёлларга ҳам аччиқ чой ичиш тавсия этилмайди, чунки у она сутини жуда қуюқлаштириб ва сермойли қилиб, камайтириб юборади. Шунингдек, уч ёшгача бўлган болаларга чой ичирилмагани маъқул. 10-17 ёшдаги болаларга кучсиз (суюқ) чой ичиш тавсия этилади. Чунки уларда ҳали юрак-қон томир фаолиятини оширишга, асабни тинчлантиришга муҳтожлик йўқ, акс ҳолда улар «чойхўрлик» одатига чалиниб қолишлари мумкин.

Ёш қизлар, келинлар ва аёллар аччиқ ва кўп чой ичмаганлари маъқул. Чунки чойдаги айрим кимёвий модда ва бирикмалар уларнинг ўта сезгир организмига салбий таъсир этиши мумкин. Гастрит, қабзият, ошқозон-ичак, яра, юрак-томир, гипертония, асабий-руҳий, уйқусизлик, жигар, ўпка, сил каби хасталиги мавжуд кишиларга аччиқ чой ичиш тавсия этилмайди.

Жуда иссиқ чойни ичиш ҳам зарарлидир. Чунки у оғиз, ошқозон-ичак, қизилўнгач, овқатни ҳазм қилиш аъзоларининг сурункали касалланишига олиб боради.

Қуруқ чойни кўнгил айнишда, қусишда, транспортларда бош айланганда ва шунга ўхшаш ҳолатларда чайнаш фойдали. Чойга янги узилган ёки қуритилган мевалар, резавор ва зираворлар, доривор ўсимликлар қўшиб ичилса, унинг физиологик ва шифобахш хусусияти ошади.

**Сафар МУХАММАДИЕВ, доцент**

*Ним табассум*

Театрда иккинчи парданинг бошланиш олдидан, маъмур саҳнага чиқди:

– Жаноблар, танаффус вақтида томошабинлардан бири ҳамёнини йўқотиб қўйипти. Ичида икки минг доллар пули бор экан. Уни қайтарган одамга эгаси юз доллар суюнчи бермоқчи.

Жим-житлик. Кейин залдан кимнингдир овози эшитилди:

– Мен эса икки юз доллар таклиф қиламан.

* * *

– Биродар, сиз машина ҳайдашни биласизми?

– Йўқ.

– Ундай бўлса бироз машинамга қараб туринг. Ҳозир келаман.

* * *

– Дўстим, менга «масъулият» сўзининг маъносини тушунтириб берсангиз.

– Фараз қилинг, кўйлагингизда иккита тугмача бор. Уларнинг бири узилиб тушди. Шунда бор масъулият иккинчи тугмачага тушади.

* * *

– Менга қаранг, жанжалкаш одам қўшнилар тинчини бузса, уни уйидан кўчириб юбориш мумкинми?

– Сиз ўша жанжалкашнинг қўшнисимисиз?

– Йўқ. Мен ўша жанжалкашнинг ўзиман.

* * *

Сартарошхонада бир кал одам соч олдириб бўлиб деди:

– Уста! Кўриб турибсиз, сочимиз йўқ даражада. Ҳақини ярим оласиз-да.

– Йўқ, сиз икки баровар тўлайсиз.

– Нега энди?

– Бошингиздан сочни қидириб топиш машаққати-чи?

* * *

Муаллиф танқидчидан сўради:

– Пьесамга бирон-бир ўзгартиришлар киритсаммикин? Сиз нима маслаҳат берасиз?

– Ҳа, албатта. Мен асарингизнинг қаҳрамони ўзини ўзи осмасдан, отишини маслаҳат берардим.

– Нима учун?

– Шунда ўқ товуши мудраб ўтирган томошабинларни уйғотиб юборарди.

## КОЛЛЕЖЛАР УЧУН ТРАКТОРЛАР

Республикамизда «Ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш мақсадида кўрилаётган тадбирлар самарали бўлмоқда. Касб-ҳунар коллежларининг замонавий техникалар билан қуроллантирилаётганини ҳам қувонарлидир.

Ихтисослаштирилган ўқув юртлари эса ўқув тракторлари ва бошқа техникаларга эга бўлдилар. Бунда «Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссадорлик жамияти, «Чирчиққишлоқмаш», «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги» каби корхоналар маҳсулотлари қўл келди.Бу машинасозлик корхоналари Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буюртмаси билан бўлажак касб эгалари таълимига мос мўъжаз агрегатларни ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар.

**А.АКБАРОВ**

*Тадбир*

Яқинда «Мустақиллик» маҳалласида болалар ва ўсмирлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича туман ҳокими кубоги учун халқаро очиқ турнир бўлиб ўтди. Мусобақага республикамизнинг Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Фарғона, Гагарин шаҳарлари, қўшни Қозоғистоннинг Чимкент, Жеттисой, Жамбул шаҳарларидан ёш полвонлар иштирок этди.

## МАҲАЛЛАДА ХОТИРА ТУРНИРИ

1985-1988 йилларда туғилган болалар қатнашган турнирда 8 та жамоа таркибида 140 нафар ёш спортчи бел олишди. Мусобақа мирзачўллик марҳум Самурат Кубаев хотирасига бағишланди. Жиззах вилоят юнон-рум кураши федерацияси раиси, Мирзачўл тумани ҳокими Мусо Анорбоев ташаббуси билан уюштирилган ушбу мусобақада Гагарин шаҳри жамоаси аъзолари барча вазн тоифаларида устунлик қилди. Тошкент шаҳри жамоаси иккинчи, Қозоғистон республикасининг Чимкент шаҳри полвонлари учинчи ўринни қўлга киритдилар.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири**

# ЖАДВАЛЛИ КРОССВОРД

*МУАММОНОМА*

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 9 | 5 | 7 | 3 | 5 | 1 | - |
| 6 | 4 | 3 | 8 | 5 | | |
| 4 | 5 | 2 | 5 | 2 | . | |

| | Оғирлик ўлчови. От абзали. | Ширинлик. | Хашамли мато. Ҳисоб, натижа. | Қаффол – аш ... (Ўрта аср олими) | Қазилма ёқилғи. Фасл. | Катта ўғил. Ов. Нота. | Ипак мато. Замин. | Мебель. Араб ҳарфи. 3,14... | Заминдаги биринчи инсон. Пардоз ашёси. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| «Ҳаёт кўзгуси» Нота. | | | | | 1 | | ■ | 2 | |
| Модданинг кислород билан бирикмаси. | | ■ | | ■ | | | | | |
| Тонг ёруғлиги маъбудаси. Боғловчи. | | | 3 | | | | ■ | | |
| Ёритқич. | | ■ | | ■ | | ■ | | | 4 |
| Меҳнат ҳақи. Ғўза гули. | | 5 | | | ■ | | | | |
| Навоийнинг яна бир тахаллуси. | ■ | ■ | | | | | | ■ | |
| Торли соз. Санъат тури. | 6 | | ■ | | ■ | | | | |
| Музлаткич маркаси. | | ■ | | | | | ■ | | ■ |
| Қозоқ мумтоз шоири. Авто марка. | | | | 7 | ■ | | | | |
| Мўътабар неъмат. | | | | ■ | | ■ | | ■ | |
| Ер шари нусхаси. Италия дарёси. | 8 | | | | | | ■ | | |
| Мой ва тола олинадиган экин. | | ■ | | ■ | | | 9 | | |

## ЛИМОН КИСЛОТАСИ «СИРИ»

Лимон кислотасини Шеле деган кимёгар 1784 йилда лимон сувидан ажратиб олишга муваффақ бўлган эди. Узоқ вақтлар давомида лимон кислотаси фақат бир манбадан – лимондан олиниб келинарди. Шу сабабли табиий шароити цитрус ўсимликларни ўстиришга имкон берадиган жойлардагина, лимон кислотасини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилди.

Думбул лимон сувида 6-7 фоиз лимон кислотаси бўлади. Жаҳон саноатига ҳар йили миллион-миллион тонналаб лимон кислотаси керак. Бу зўр талабни қондириш учун нақадар кўп лимон етиштириш лозимлигини тасаввур этиш қийин эмас.

Олимлар тадқиқотлари асосида қанддан лимон кислотаси олиш усули ишлаб чиқилди. Бунда 4-5 килограмм қанддан бир килограмм лимон кислотаси олинади.

Бир гуруҳ олимлар лимон ва олма кислоталарини тамаки баргидан олишни таклиф қилдилар. Сархил тамаки баргида 6-8 фоиз лимон кислотаси бўлиб, бир йилда 500 тонна кислота ишлаб чиқарадиган заводни хомашё билан муттасил таъминлаб туриш учун 15 минг гектар ерга тамаки экиш керак.

Олма кислотаси ҳам табиатда анча кенг тарқалган. Гарчи бу кислота бир қанча бошқа меваларда олмадагидан кўра кўп бўлса-да, у ўз аҳамиятига кўра фойдалидир.

## «МИКРОБХОНА»

Қўл бармоғининг тирноғи ҳафтада ўртача бир миллиметрга ўсади. Қўлдаги микробларнинг 95 фоизи шу тирноқлар ичидаги «микробхона»га йиғилади.

Микробхонада уларнинг кўпайиши учун қулай шароитлар муҳайё. Тирноқдаги кирнинг бир грамида 380 миллионга яқин ҳар турли микроблар, шу жумладан, гижжа микроби ҳам бўлиши мумкин.

Қиссадан чиқадиган ҳисса шуки, тирноқларнинг ўсишига йўл қўймай, уларни ўз вақтида олиб юриш керак.

*Бу турфа олам*

## ЧУМЧУҚ ТАНҚИСЛИГИ

Америкада то 1860 йилга қадар биронта ҳам чумчуқ бўлмаган. Лекин ўша йили капалак қурти кўпайиб кетиб, экинларга катта зарар етиш хавфи туғилди.

Офатнинг олдини олиш мақсадида ҳукумат Англиядан бу митти жониворларни «сотиб олиш» ҳақида махсус қарор чиқаришга мажбур бўлган эди.

Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши Самарқанд вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Шуҳрат Деҳқоновга отаси

**ХОЛБЎТА ҲОЖИ бобонинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134*

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Тиражи: 19500 Буюртма Г— 217 1 3456